

2022 йил 14-июл

Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида 2022-2023 — ўқув йили учун кириш имтиҳонларининг биринчи босқичи ўтказилмоқда.



Бугун 300га яқин абитуриентлар кимё фанидан тест топширишмоқда. Натижалар эса абитуриент тестни топшириб бўлиши билан эълон қилинади. Мазкур синовдан муваффақиятли ўтганлар 16 июль кунини рус тили фанидан имтиҳонда иштирок этишади.




Кириш имтиҳонларининг 2-босқичи эса 26-28 — июль кунлари бўлиб ўтади. Хужжатлар қабули 23 июль кунига қадар давом этади. **Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, 2022-2023 — ўқув йили учун 120 та грант ва 180 та тўлов-контракт жами 300 та квота ажратилган.**













source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/rossiya-kimyo-texnologiya-universitetining-toshkent-shahridagi-filialida-kirish-imtihonlari-boshlandi>